# Barakat Co., Ltd.

## хорижий ширкати

*Муҳтарам Ислом КАРИМОВ*

***жаноби олийларини Ўзбекистон Президенти сайловида қозонган ғалабаси билан муборакбод этади.***



**Биз ўтказилган сайловда қардош Ўзбекистон халқининг энг тўғри йўл танлаганликлари шоҳиди бўлдик. Шубҳа йўқки, бундан кейин ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги азалий дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари халқларимиз манфаатлари йўлида мустаҳкамланиб, ривожланиб бораверади.**

**Ишончимиз комилки, янги XXI асрга Ўзбекистон буюк юксалишлар билан кириб боради. Бу янгиланиш жараёнининг бошида муҳтарам Ислом Каримовдек улуғ ва салоҳиятли инсоннинг турганлиги бунга қатъий ишонч уйғотади.**

Has@2490

# БЕШ ҚИТЪА МУЖДАЛАРИ

## АҚШ:
# НАВБАТДАГИ ПРЕЗИДЕНТ КИМ БЎЛАДИ?



Билл Клинтоннинг президентлик муддати охирига яқинлашган сайин АҚШда навбатдаги сайловга тайёргарлик жадал тус олмоқда. Агар мамлакат президенти бўлиш учун энг кўп имкониятга эга бўлган номзодлар ҳақида гап кетадиган бўлса, шубҳасиз, бу борада республикачилардан Техас штати губернатори кичик Жорж Буш ва демократ, АҚШ вице-президенти Альберт Горга тенглашадигани йўқ ҳисоби.

Бироқ асосий номзодлар ҳисобланаётган кичик Жорж Буш ва Альберт Горнинг имкониятларида ҳам кейинги вақтларда озгина фарқ сезилмоқда. Яқинда «Ньюсуик» журнали жамоат орасида сўров ўтказиб, унинг натижаларини эълон қилди. Сўровда иштирок этганларнинг аксарият қисми кичик Жорж Бушни қўллаб-қувватлаётгани маълум бўлди.

Аниқроғи, сўровда иштирок этганларнинг 50 фоизи кичик Жорж Бушни қўллаб-қувватлаган бўлса, 43 фоизи эса Альберт Гор номзодини ёқлашини билдирди. Яна бир номзод, Нью-Жерси штатининг собиқ сенатори Билл Брэдли эса яна ҳам оз, атиги 38 фоиз билан кифояланди.

Кичик Жорж Бушнинг рақиблари фақат демократлар лагеридан чиқаётгани йўқ, албатта. Яна бир республикачи, Аризона штати сенатори Жон Маккейн ҳам президент сайловига номзодлардан ҳисобланади. Бироқ сайловчилар эътиборини қозонишда Жон Маккейн кичик Жорж Буш даражасига етишига ҳали анча борга ўхшайди. Қолаверса, республикачиларнинг 63 фоизи кичик Жорж Буш, 13 фоизи эса Жон Маккейн учун овоз беришини маълум қилди.

Демократлар лагерига келсак, бу ерда ҳам президентликка номзодлар фақат Альберт Гор билан чекланиб қолаётгани йўқ. Яна бир демократ Билл Брэдли ҳам катта курашга бел боғлаган. Бироқ уни қўллаётган партиядошлари ҳозирча озчиликни ташкил этмоқда. Масалан, демократларнинг 50 фоизи Альберт Горга овоз берса, Билл Брэдли учун бор-йўғи 25 фоиз демократлар хайрихоҳ эканликларини билдиришди. Яна 25 фоиз сайловчи эса кимга ўз овозларини беришни ҳали ҳам ҳал этганича йўқ.

Хуллас, АҚШдаги бу галги президент сайлови ҳам авалгиларига ўхшаб катта шовшув ва дабдабали сайловолди тадбирлари билан ўтадиганга ўхшайди. Ким президент бўлишини эса, табиийки, вақт кўрсатади.



## ТАЙБЕЙ (ХИТОЙ):
# ЯНГИ ЙИЛДА ЯНГИ РЕЖА

Навбатдаги юз йиллик компьютер асри бўлиши, шубҳасиз. Зеро, асримизнинг сўнгги чорагида бу ақлли қутини такомиллаштириш шу даражада жадаллашдики, орадан саноқли йиллар ўтгандан кейин нафақат саноат корхоналари ёки муассасалар, балки хонадонларни ҳам усиз тасаввур қилиш қийин бўлиб қолади. Бинобарин, инсониятнинг келгуси ҳаёти компьютер билан боғлиқ экан, уни янада кўпроқ ишлаб чиқаришга эҳтиёж сезилади. Бундай шароитда ушбу матоҳни ишлаб чиқараётган компанияларнинг иши бароридан келишига, шубҳа йўқ. Бир сўз билан айтганда, мазкур соҳа катта истиқболга эга.

Умуман, жаҳонда компьютер ишлаб чиқариш бўйича АҚШ ва Японияга тенг келадиган мамлакат йўқ. Бироқ Тайбей ороли ҳам бу йил ушбу мамлакатлар панжасига панжа уриб кўрмоқчи.

Гарчи, ўтган йили юз берган кучли зилзила орол иқтисодиётига катта зарар етказган бўлсада, Тайбей иқтисодиётнинг ушбу соҳасини жадал ривожлантиришдан қайтмаяпти. Аниқроғи, оролда бу йил компьютер ва унга алоқадор техникалар ишлаб чиқариш 18 фоизга оширилиши мўлжалланмоқда. Агар ушбу режа амалга ошадиган бўлса, бу йил оролда жами 39,88 миллиард АҚШ долларига яқин маҳсулот ишлаб чиқарилар экан. Ўтган йили бу рақам 33,77 миллиард АҚШ долларини ташкил этган эди.

Масаланинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, Тайбейда арзон компьютерлар ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш Осиёда юз берган молиявий тангликнинг бартараф этилишига ҳам жиддий ҳисса қўшади. Чунки, бундан буён Интернет мижозлари кўпайган сайин компьютерга талаб ҳам ошади.

Умуман, янги асрда компьютер бозорида ҳам рақобат кескин тус олади. Масалан, биргина Тайбейнинг ўзида бу йил 9,36 миллионта «ноутбук» русумидаги компьютерлар ишлаб чиқарилар экан. Бу жаҳон миқёсида ишлаб чиқарилаётган ушбу товарнинг 49 фоизини ташкил этади. Бу билан Тайбей илк бор Японияни «чемпионлик унвонидан» маҳрум этади ва дунёдаги энг кўп «ноутбук» ишлаб чиқарувчи ҳудудга айланади. Жорий йилда Тайбей ороли монитор ишлаб чиқариш бўйича ҳам дунёда иккинчи ўринга чиқишни кўзламоқда. Натижада монитор ва муассаса компьютерлар билан савдо қилиш 24 фоизга ошади ва 9,33 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Компьютер техникалари ва дастурлар таъминоти эса 35 фоизга ошади.

Хуллас, бошда таъкидланганидек, компьютер ишлаб чиқариш истиқболи катта бўлса-да, у билан савдо қилиш, халқаро бозордан жой эгаллашга уринган давлатларга осон бўлмаслиги аниқ. Зеро, компьютер бозорида ҳам бошқа бозорлардагига ўхшаб рақобат кучли.

## ЧИЛИ:
# САЙЛОВЛАРДАН СЎНГ...

Чилида ўтказилган иккинчи босқич президент сайловида сўлчилар коалицияси томонидан номзоди кўрсатилган социалистлар партияси вакили Рикардо Лагос 51,4 фоиз овоз билан ғалаба қозонди. Ўнгчи кучлардан номзод бўлган Хоакин Лавин 48,7 фоиз олди. Мағлуб енгилганини мардларча тан олиб, ғолибни қутлади ва ўз тарафдорларини унинг атрофида жипслашиш ва мамлакат келажаги учун баҳамжиҳат ишлашга даъват қилди. Рикардо Лагос тарафдорлари эса пойтахт Сантьяго ва бошқа шаҳарларда кўчаларга чиқиб, хурсандчилик қилишга тушиб кетди. Ҳатто, ҳайдовчилар ҳам байрамга шерик эканлигини кўрсатиш учун тўхтовсиз сигнал чалди. Март ойида ўз ўрнини бўшатиб берадиган амалдаги президент Эдуард Фей ҳам ғолибни табриклади.

Рикардо Лагоснинг ўзига келсак, у сайлов натижалари эълон қилинган заҳоти «Бу тадбирда ҳеч ким енгилгани йўқ, мен барча чилиликларнинг президенти бўламан», — деб баёнот берди. У янги лавозимга қизғин ҳозирликни бошлаб юборганини айтиб: «Энди Чилини, ҳаётимизни янада яхшироқ қилиш учун ҳаммамиз биргаликда ишлаймиз», — деди.

Рикардо Лагос Эскобар 1938 йилнинг 2 мартида туғилган. Отасидан ўн ёшида айрилган. Янги президентнинг волидаси 103 ёшга етганига қарамай, ҳали ўзини яхши ҳис қилмоқда.

Рикардо Лагос 1955-1959 йиллар давомида Чили университетида ўқиб, адвокат дипломига эга бўлган. Кейин ўқишни АҚШда давом эттириб, иқтисодий фанлар доктори бўлди. Оилавий ҳаётида турли келишмовчиликлар давом этавергач, 1969 йили ажрашиб, 1971 йилда Луиза Дуранга уйланган. Ҳозир беш фарзанднинг отаси.

Рикардо Лагос Чили университетининг бош котиби, мамлакатнинг Совет иттифоқидаги элчиси лавозимларида ишлаган. 1973 йилги ҳарбий тўнтаришдан сўнг Аргентинага, кейинроқ АҚШга кетди. У ерда аввал Шимолий Каролина университетида дарс берди, кейинчалик турли халқаро ташкилотларда ишлади. Ватанига эса 1984 йили қайтди. 1986 йилда Аугусто Пиночетга мухолиф бўлган «Демократик альянс»га раҳбарлик қила бошлади. Бу бирлашма сафига мамлакатдаги қарийб барча демократик партиялар жамланган эди. Орадан бир йил ўтиб, Рикардо Лагос «Демократик сайловлар учун сўл кучлар қўмитаси»га раҳбар бўлди. Ниҳоят, 1988 йили Пиночет ҳокимиятдан батамом четлангач, у бир неча тарафдори билан «Демократия учун» партиясини таъсис этди. Бу партия мамлакатдаги энг йирик сиёсий ҳаракатлардан ҳисобланади.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**


# ҲУРМАТЛИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ!



Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги «Иссиқликэлектрлойиҳа» илмий-тадқиқот институти жамоаси Сизни сайловдаги ишончли ғалабангиз билан самимий қутлайди. Ўзбекистон Президентлигига қайта сайланишингиз Сизнинг раҳбарлигингизда мамлакатимиздаги демократик ўзгаришларга умумхалқ ишончининг ёрқин намойиши бўлди.

Сизга сиҳат-саломатлик, халқимизнинг фаровонлиги ва барқарорлиги йўлидаги кўп қиррали фаолиятингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Has@2488

# «ЎЗМАШСАВДО» АЖ

Тошкентдаги омборхонасидан

ГАЗИФИКАТОР ГХК-3/1, 6-200 М (азот, кислород, аргон газларини сақлаш ва газификация қилиш учун мўлжалланган)

ТУРБОКОМПРЕССОР ТВ-80-1, 6-1-01 (магистрал қувурларни катта босим билан тозалаш учун)

ГАЗ - 5312 (шасси),
АЦ - 3307 (ёқилғи ташувчи автомобилларини),
Автобус, 25 ўринли

ишлаб чиқарувчиларнинг нархларидан арзонроқ нархда сотади.

Сотилаётган автомобиллар ДАН бошқармасида рўйхатга қўйиш учун ҳисоб маълумотномаси (счет-справка) тақдим этилади.



Манзил: 700059, Тошкент ш., Усмон Носир 1-тор кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 53-62-54, 53-69-17, 53-83-04.

Has@2463


# МЕДАЛ ЭМАС, ТАЖРИБА МУҲИМ

Ўзбекистон каратэ терма жамоаси 20-23 январ кунлари Франция пойтахти Париж шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро турнирда иштирок этиш учун жўнаб кетишди. Ўн бир нафардан иборат терма жамоамиз вакилларига республика каратэ миллий федерациясининг президенти, Нурхон Нафасов бошчилик қилмоқда.

— Жорий йилнинг илк мусобақасида аксарият 17-18 ёшли каратэчилар иштирок этяпти, — деди Н. Нафасов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Бундан кўзланган мақсад, бўлғуси масъулиятли мусобақалар, яъни шу йилнинг октябр ойида Мюнхенда (Германия) ўтказиладиган жаҳон чемпионатида ҳамда 2004 йилдаги Рим олимпиадаси каби муҳим беллашувлар олдидан ёшларимизни синаб кўришдан иборат. Париж халқаро турнирига бораётган терма жамоамиз таркиби билан бошқа мамлакатларнинг 25-35 ёшли тажрибали спортчиларини енгиб, юқори натижаларга эришмоғимиз қийин, албатта. Шундай бўлса-да, биз медаллар ортидан қувишни эмас, балки ёш каратэчилар тажрибасини ўстиришни, эртанги кун учун замин тайёрлашни мақсад қилганмиз. Бунинг учун бугунданоқ ишга киришмасак, эртага кеч бўлади. Ўйлайманки, ўзбек йигитлари нималарга қодирлигини жаҳон майдонларида кечадиган келгуси баҳсларда очиқ кўрсатади.

Мазкур халқаро турнирда Элёр Дадамирзаев, Фарҳод Аҳмедов, Умид Ҳакимов каби иқтидорли ёш спортчиларимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.


«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририятни тўла компьютерлаштириш ва ягона компьютер тармоғини яратиш мақсадида

КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИ СОТИБ ОЛИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Таклифларни қабул қилиш 2000 йилнинг 10 февралигача амалга оширилади.

Маълумот учун телефон: 133-10-29, Факс: 136-09-25.

Манзилимиз: Тошкент ш., Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 215, 256-хоналар.

2481

ТАШКИЛОТ

Д-20, Д-50 мм.ли пўлат қувурларни сотади.

Мулоқот учун телефонлар: 41-31-72, 41-29-94, 41-25-72, 41-22-61, 41-27-04.

2323


*Янги фильм*

# «ЖАҲОН ОТИН – УВАЙСИЙ»

Ўзбек адабиёти тарихида ўзига хос ижодкор хотин-қизлар меросидан иборат мумтоз саҳифа мавжуд. Улар турли давр ва босқичларда адабиётни аёл қалбининг нозик тароналари билан бойитдилар. Жумладан, XVIII аср охири XIX аср бошларида ўзбек диёрида Жаҳон отин — Увайсий, Моҳларойим — Нодира, Маҳзуна, Дилшод ва Анбар Отин каби ижодкорлар етишиб чиқдилар.

Жаҳон отин — Увайсий ана шу бўстонда ўз ўрнига эга бўлган ижодкорлардан бири. Шоира ўз ғазаллари, мухаммас, мусаддас, чистонлари, лирик асарлари билан ўзбек шеъриятининг атоқли намояндаларидан бирига айланди. Бетакрор ва жозибадор лирикаси билан замондошлари эътиборини қозонди. Унинг асарлари йиллар, асрлар давомида яшаб келмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг «Ўзбектелефильм» студиясида «Жаҳон Отин —Увайсий» видео сериалининг тақдимоти бўлиб ўтди. 6 қисмдан иборат бу фильмда шоира ҳаёти ва ижоди, у яшаган давр, адабий муҳит, истеъдодли шоира Нодира билан ижодий ҳамкорлиги тўғрисида ҳикоя қилинади. Сценарий муаллифи — Тамилла Қосимова. Саҳналаштирувчи режиссёр — Аброр Қосимов. Бош ролларни Луиза Қосимова, Раъно Ярашева, Муҳаммадали Абдуқундузов, Меҳри Бекжонова, Файзулла Аҳмедовлар ижро этишган.

Увайсий умрининг бир қисмини Қўқон хонлигида — Умархон ва Нодирабегим ҳомийлигида саройда ўтказган. Мазкур фильм айнан ўша давр воқеаларини қамраб олган.

Унда шоиранинг маърифий ва маданий ҳаётида тутган ўрнига катта урғу берилган.

Тарихий воқеаларга асосланган фильм сюжети лирик йўналишда бўлиб, икки шоиранинг ижодий ва дўстона муносабатлари кенг очиб берилган. Увайсий, Нодира, Машраб ғазалларига басталанган ажойиб ашулалар фильмга мусиқийлик бахш этади.

**Фотима АБДУҚАҲҲОР қизи, талаба.**



# ПОЛВОНЛАР

*Ўзбекнинг боласи кураш тушиб, улоқ ўйнаб катта бўлади. Бу авлоддан авлодга ўтиб келаётган анъаналаримиздан. Ана шунинг учун ҳам келиб чиқиши минг йилларга бориб тақалувчи ўзбек кураши бугун дунёга юз тутди. Полвонларимиз орасидан жаҳон чемпионлари етишиб чиқди.*

*Сиз суратда кўриб турган тўрақўрғонлик ёш, иқтидорли полвонлар Ғуломжон Ортиқов, Элмурод Обилов, Қобилжон Иброҳимов, Жаҳонгир Солиевлар ҳам чемпион бўлишга аҳд қилишган.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# МИЛЛИОНЛАР ЎЙИНИ – ЮЛДУЗЛАР ҲАЁТИДА

XX аср сўнггидаги немис футбол юлдузларидан бири, жаҳон чемпиони Лоттар Матеус шу йил ўзининг яшил майдондаги фаолиятини тўхтатиши ҳақидаги хабарни Мюнхендаги журналистлар билан учрашувида маълум қилди. Ҳозирда у «Бавария» жамоасининг ҳужум чизиғида тўп суряпти. Чарм тўп устаси билан сўнгги хайрлашув ўйини жорий йилнинг май ойида ўтказиладиган «Бавария» ва немис футбол иттифоқи ўртасидаги ўртоқлик учрашувида бўлиб ўтади.

**«Туркистон-пресс».**


Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси жамоаси Қашқадарё вилояти иқтисодий ночор корхоналар ишлари бошқармаси бошлиғи Мақсуд Бўриевга волидаи муҳтарамаси
**МУШАР аянинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзтелерадиокомпания жамоаси Маҳаллий телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Абдусамад Исоқовга опаси
**Ҳадичахон АЪЗАМОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Мадад» суғурта агентлиги жамоаси агентликнинг масъул ходими Саидаҳмад Саидназаровга онаси
**САНТАЛАТ аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети ректорати, профессор-ўқитувчилари ва хизматчилари университетнинг собиқ ректори, академик, техника фанлари доктори, профессор Оқил Салимовга рафиқаси
**Лола САЛИМОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Фонон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «2-son zavodi» йиғиш ва кўз босиш бўлими жамоаси катта уста
**Абдували ТАШПУЛАТОВнинг**
бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг қариндошлари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти жамоаси институтнинг собиқ илмий ходими, кимё фанлари доктори, профессор
**Азиз Тожиевич ТОЖИЕВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.



«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. РИЗАЕВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34;
*Ҳуқуқ* — 136-07-94;
*Иқтисодиёт* — 136-36-65;
*Қишлоқ хўжалиги* — 136-37-85
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60, 132-10-65;
*Хатлар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар* — 132-12-08;
*Халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 017, 25163 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II max компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. ХУДОЁРОВ.
Навбатчи — О. ШОДМОНАЛИЕВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 22.25*
1 2 3 4 5 6